
ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ФАРҒОНАЛИК БИР ГУРУҲ СОҶА ВАКИЛЛАРИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИЛАР

“Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрناк кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Президент фармони қабул қилинди.

Мамлакатимизда таълим тизимини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, соҳага доир ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, ўқув-тарбия жараёнига миллий ва илғор хорижий тажрибалар, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, ўқувчиларга илм-фан асослари ва замонавий касб-ҳунарларни ўргатиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, Янги Ўзбекистонни бунёд этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлидаги катта хизматлари, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларни она Ватанга меҳр ва садоқат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги ибратли фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун:

Фарғона вилояти чет тилларни ўқитишга ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати директори Дададжанова Элеонора Абдувахобовна “Меҳнат шуҳрати” ордени билан,

Қўштепа туманидаги 30-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Мамажонова Муҳаббатхон Махкамовна II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан,

Марғилон шаҳридаги 6-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг немис тили фани ўқитувчиси Тугушева Зулфия Фанилевна “Дўстлик” ордени билан,

Қува туманидаги 49-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси Давлатов Носиржон Эргашалиевич, Бувайда туманидаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг кимё фани ўқитувчиси Қурбонов Бобурмирзо Хошимжонович ҳамда Учкўприк туманидаги 27-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси Мамадалиева Муҳайё Убайдуллаевна “Шуҳрат” медали билан тақдирландилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-09-29 10:58:58